

ИССИҚХОНА ШАРОИТИДА БАРПО ЭТИЛГАН ИНТЕНСИВ ШАФТОЛИ БОҒЛАРИДА КЛЯСТЕРОСПОРИОЗ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИ

Акбаралиев Исломбек Рахимбердиевич, к.х.ф.д.

Рахматходжаев Шерзод Турғунбоевич, кичик илмий ходим

Академик Махмуд Мирзаев номидаги БУВИТИ Тошкент илмий-тажриба станцияси

Аннотация. Жаҳонда шафтоли (*Persica vulgaris*) нинг 6 хил тури: оддий шафтоли, гансун шафтолиси, давид шафтолиси, потанин шафтолиси, мир шафтолиси, Фергона шафтолиси ҳамда 500 га яқин нави мавжуд бўлиб, унинг ватани Ўрта Осиё саналади. Унинг меваси таркибида 79-89% гача сув, 6,3-14,4% қанд, шу жумладан, 4,8-10,12% сахароза, 0,5-1,2% пектин моддалар, 0,008-1,02% олма ва узум кислоталари, 9,4-20 мг% С витамини, 0,6-1,0 мг% А провитамини мавжуд. Ҳозирги кунда иссиқхоналарда барпо этилган шафтоли боғларида клястероспориоз касаллиги жуда кўп ҳолларда кузатишмоқда шу сабабли унга қарши препаратларни тўғри қўллаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Калим сўзлар: шафтоли навлари, касалликлар, клястероспориоз, кўчат, нав, вариант, андоза.

Abstract. There are 6 species of peach (*Persica vulgaris*) in the world: common peach, Hansun peach, David peach, Potanin peach, Mir peach, Fergana peach and about 500 varieties, and its homeland is Central Asia. Its fruit contains 79-89% water, 6.3-14.4% sugar, including 4.8-10.12% sucrose, 0.5-1.2% pectin substances, 0.008-1.02% malic and grape acids, 9.4-20 mg% vitamin C, 0.6-1.0 mg% provitamin A. Currently, clasterosporiosis is observed in very large numbers in peach orchards established in greenhouses, therefore, the correct use of drugs against it is one of the important tasks.

Keywords: Peach varieties, diseases, klyasterosporiosis, seedling, variety, variant, model.

Аннотация. В мире насчитывается 6 видов персика (*Persica vulgaris*): персик обыкновенный, персик Хансун, персик Давида, персик Потанина, персик Мир, персик Ферганский и около 500 сортов, а родина его — Средняя Азия. В плодах его содержится 79-89% воды, 6,3-14,4% сахара, в том числе 4,8-10,12% сахарозы, 0,5-1,2% пектиновых веществ, 0,008-1,02% яблочной и виноградной кислот, 9,4-20 мг% витамина С, 0,6-1,0 мг% провитамин А. В настоящее время клястероспориоз наблюдается в очень больших количествах в персиковых садах, заложенных в теплицах, поэтому правильное применение препаратов против него является одной из важных задач.

Ключевые слова: сорта персика, болезни, клястероспориоз, саженец, разновидность, вариант, модель.

Кириш. Сўнги йилларда Республикамизда мева маҳсулотлари сифатини яхшилаш, уларнинг экспорт салоҳиятини барқарор ошириш ва интенсив боғлар майдонини янада кенгайтириш, уларда амалга оширилаётган агротехника тадбирларини янада такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Олимларимиз томонидан Ўзбекистон иқлим шароитига мос янги шафтоли мева турлари интродукция қилиниб, уларни илмий асосда ўрганиш воситасида ишлаб чиқаришга татбиқ этмоқда. Ўзбекистон Республикаси кишлққ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратиш...» стратегия вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган.

Мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароитида интенсив шафтоли боғларини иссиқхонада барпо қилиш ва унинг агротехникаси элементларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу боис ушбу илмий тадқиқотида белгиланган йўналишлар, яъни республикамиз шароитида ёпиқ иншоотларда интенсив шафтоли боғларини барпо қилиш ва уларнинг агротехникаси элементларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қўйилган асосий вазифа шафтолидан экспортбоп маҳсулот етиштиришда юзага келадиган қатор муаммолар масалалар долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, мазкур вазифаларнинг самарали

ёчимини топиш мақсадида академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Тошкент илмий-тажриба станцияси ҳудудида ёпиқ иншоотда интенсив типдаги шафтоли боғи яратилган бўлиб, ушбу интенсив шафтоли боғида учрайдиган клястероспориоз касаллигига қарши курашиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Материаллар ва услублар. Тажрибалар 2025 йилда академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент илмий-тажриба станциясининг 1 гектар иссиқхона майдонида олиб борилди.

Тажрибалар шафтолининг 8 та навларида зараркунанда билан зарарланиш даражасини аниқлашда “Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган химоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари” (Хўжаев Ш.Т., 2015) каби услубий қўлланмаси асосида олиб борилди.

Натижалар ва мунозара. Маълумки, шафтоли ёруғлик ва иссиқсевар ўсимликдир. Шу боис унинг ер устки қисмига тушган қуёш иссиқлиги асосий ҳал қилувчи экологик омиллардан бири ҳисобланади. Ўсимлик ер устки қисми тузилма қисмларининг ривожланиши, новда ва шохларнинг морфологик турлари, ўсимликнинг ҳосилга кириши, барқарор ҳосил бериши, ёш даврларининг давомийлиги ва турнинг узоқ яшаши шу иссиқлик даражасига сезиларли боғлиқдир.

**Шафтолининг клястероспориоз касаллигига қарши қўлланилган фунгициднинг биологик самарадорлиги
Дала синов-тажрибаси, академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институту Тошкент илмий-тажриба станцияси ҳудудида олиб борилди (2025 йил).**

№	Вариантлар	Қўллаш меъёри кг/га ёки л/га	Зарарланган аъзолари	Зарарланиш, %	Касаллик ривожланиши, %	Биологик самарадорлик, %
1.	Назорат (кимёвий ишлов ўтказилмаган)	-	барг	35,0	18,0	-
			поя	17,0	11,6	-
			мева	32,3	15,7	-
2	Хорус с.д.г. (750 г/кг) (андоза)	0,4	барг	4,7	1,3	92,7
			поя	2,0	1,2	89,6
			мева	3,3	1,7	89,2
3.	Страж КС	0,3	барг	6,7	2,3	87,4
			поя	4,3	1,7	85,4
			мева	4,7	1,8	88,5
		0,6	барг	4,3	2,0	88,9
			поя	3,0	1,6	86,0
			мева	3,7	1,5	90,4

Ўсиш кучи бўйича пайвандтагларни, шунингдек, шох-шаббага шакл бериш усулини тўғри танлаш ўсимликка таъсир этишининг муҳим амалий тадбирларидан бири ҳисобланади. Мевали ўсимликларни етиштиришда ушбу икки агрономик омилни тўғри танлаш турнинг маҳсулдорлигини ва технологик жараённинг ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли ошириш имконини беради.

Республикадаги шафтолини етиштириш бўйича мавжуд агротехник талаблар кучли ўсувчи уруғлик пайвандтагларда ўстирилган сийрак анъанавий боғлар учун мўлжалланган. Бутун ҳаётий доираси мобайнида ўсимликларга ажратилган майдон ҳам шох-шабба жойлашувларига, ҳам шох-шабба ҳажми нуқтаи назаридан тўлиқ фойдаланилмайди. Шу боис биз ўз тадқиқотларимизда кучли ўсувчи пайвандтагларга асосланган шафтоли боғларини барпо қилишда дарахтларни жойлаштириш схемасини оптимallasштиришни ва иссиқхона иншоотларга мослаштирилган усулларни шакллантиришни мақсад қилдик. Бундай қулай схемани аниқлаш боғда дарахтларни зичлаштириш ҳисобига майдон бирлигидан юқори ҳосил олиш имконини беради.

Шафтоли боғларида замбуруғ қўзғатадиган касалликларга қарши кимёвий кураш усули тез ва юқори самара беради.

Иссиқхона майдонидаги 1 гектар шафтолининг клястероспориоз касаллигига қарши 2025 йилда Страж КС фунгициди 0,3-0,6 л/га сарф-меъёрларда синовдан ўтказилди. Андоза сифатида Хорус с.д.г. фунгициди танлаб олинди (1-жадвал).

Тажриба синов натижаларига кўра шафтолининг клястероспориоз касаллигига қарши 0,6 л/га юқори сарф-меъёрда

қўлланилган Страж КС фунгициди энг юқори самара кўрсатди. Шафтолининг барг, поя ва меваларида зарарланиш 3,0% дан 4,3% гачани ташкил этди. Касалликнинг ривожланиши эса мос равишда 1,5% дан 2,0% гача қайд этилди. Биологик самарадорлик 86,0% дан 90,4% гачани намён этди.

Клястероспориоз касаллигига қарши 0,3 л/га кичик сарф-меъёрда синовдан ўтказилган Страж КС фунгицидининг биологик самарадорлиги 0,4 л/га қўлланилган вариантларга нисбатан бироз паст бўлди. Касаллик билан зарарланиш баргларда 6,7% гача, пояда 4,3% гача ва меваларда эса 4,7% гача кузатилди. Касалликнинг ривожланиши эса мос равишда 1,7% дан 2,3% гачани ташкил этди. Биологик самарадорлик 85,4% дан 88,5% гача қайд этилди.

Андоза вариант сифатида Хорус с.д.г. (750 г/кг) (0,4 кг/га) фунгициди қўлланилганда зарарланиш баргларда 4,7% гачани, пояда 2,0% гача ва меваларида эса 3,3% гачани ташкил этган бўлса, касалликнинг ривожланиши баргларда 1,3% ни, пояда 1,2% ни ва меваларида 1,7% ни ташкил этди. Биологик самарадорлик 89,2% дан 92,7% гача етди.

Хулоса. Шафтолининг клястероспориоз касаллигига қарши 0,3 л/га сарф-меъёрда қўлланилган Страж КС фунгициди яхши самара кўрсатди. Биологик самарадорлик 88,5% гачани ташкил этди.

Шафтолининг клястероспориоз касаллигига қарши 0,6 л/га сарф-меъёрда қўлланилган Страж КС фунгициди эса юқори самара кўрсатди. Биологик самарадорлик 90,4% гачани ташкил этди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. ПФ-4947-сон. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Президент Фармони. – Тошкент, 2017 йил 7 феврал.
2. Еремин Г.В. Перспективы создания сортов косточковых культур для интенсивных технологий возделывания / Г.В. Еремин// Роль сортов и новых технологий в интенсивном садоводстве. – Орел, 2003. – С. 92-94.
3. Инструктивные указатели по проектированию и выращиванию защитных лесных насаждений и агротехническим противоэрозийным мероприятиям в Узбекской ССР. – Т.: СредАзНИИЛХ, 1987.
4. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркундалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. – Тошкент: Navro‘z, 2014. – 552 б.